

Саидахмедова Нодира Илхомовна,
Жиззах политехника институти,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ ВА УЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОНДА Фойдаланиш йўллари

УДК 330.4
ББК 65.30, 65.32

САИДАХМЕДОВА Н.И. ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ ВА УЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОНДА Фойдаланиш йўллари

Мақолада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч тушунчалар: хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ёрдами дастури, эко-корхона.

САИДАХМЕДОВА Н.И. ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ И ПУТИ ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

В статье изучен опыт некоторых зарубежных стран по обеспечению продовольственной безопасности и даны предложения и рекомендации по их использованию в Узбекистане.

Ключевые слова: безопасность, экономическая безопасность, продовольственная безопасность, сельское хозяйство, программы по продовольственной помощи, эко предприятия.

SAIDAKHMEDOVA N.I. INTERNATIONAL EXPERIENCE OF FOOD SECURITY ENSURING AND WAYS OF THAT IMPLEMENTATION IN UZBEKISTAN

There is considered in the article international experience of the food security issues on the example of some countries and the opportunities of their experience application in Uzbekistan were studied and proposed there.

Keywords: security, economic security, food security, farming, food security providing program, eco enterprises.

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ер юзида иқлим ўзгариши натижасида юз бераётган табиий офатлар, ерларни суғориш учун сув танқислиги, қурғоқчилик каби вазиятлар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни қийинлаштиради. Оқибатда дунё озиқ-овқат бозорларида нарх-наво кўтарилиб бормоқда. Шунингдек, 2008 йилда бошланиб, ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур муаммонинг кескин тус олишига сабаб бўлмоқда. Жаҳоннинг 54 мамлакатада оилалар моддий аҳволи даражасининг пасайиши кузатилгани, 20 дан зиёд давлат аҳолисининг асосий қисми очликдан қийналаётгани, 12 та мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриши қисқаргани, сўнгги йилларда дунё аҳолисининг 840 миллиондан ортиғи очликдан азият чекаётганлиги бунинг яққол далилидир¹. Шунинг учун ҳам бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жуда катта аҳамият берилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида марказий ўринлардан бирида туради. Эндиликда аҳоли турмуш фаровонлиги ва сифатини янада ошириш, аҳолини озиқ-овқат билан тўлақонли таъминлаш масалалари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлардан мақсад – иқтисодий фойда кўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда **«2019-2024 йилларда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш миллий дастури»**ни қабул қилиши керак»², деб таъкидлаган. Шу боисдан, Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга ошириш ва хавфсизликни таъминлашда ривожланган ва ривожланаётган хорижий мамлакатларнинг бу борада

тўплаган тажрибаларини ўрганиш ҳамда улардан мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш зарурати мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб берди.

Тадқиқот мақсади хорижий мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тажрибаларини ўрганиш асосида улардан Ўзбекистонда фойдаланиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, анализ ва синтез, илмий ва статистик таҳлил, таққослаш, эксперт баҳолаш методларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги АҚШ, Канада, Европа Иттифоқи, Япония каби ривожланган мамлакатларда амалга оширилган чора-тадбирлар ҳамда бу борада эришилган натижалар қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган ҳамда уларнинг тажрибаларидан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича муаллиф таклифлари ишлаб чиқилган;

- озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида катта муваффақият қозонган Хитой Халқ Республикаси тажрибаси ўрганилиб, ундан Ўзбекистонда фойдаланиш юзасидан таклифлар асосланган.

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта муваффақиятга эришган ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда улардан мамлакатимизда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада айниқса АҚШнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизми ва тажрибаси диққатга сазовардир. АҚШда 2015 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи маҳсулоти 197 миллиард долларни, ЯИМдаги улуш эса 1,1%ни ташкил этган. Бинобарин, мамлакат иқтисодиётида банд бўлган 157 миллион кишидан атиги 1,01 миллион нафаригина (умумий банд бўлган аҳолининг 0,7%) қишлоқ хўжалигида банддир³

АҚШда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини ривожлан-

¹ Жонихонов М., Раҳмонов С. Озиқ-овқат дастури: мамлакат тараққиёти, иқтисодиёт барқарорлиги ва фаровонликнинг мустақкам асоси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 7 июнь.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь.

³ Сельское хозяйство (мировой рынок). / J'son & Partners Consulting // <http://www.tadviser.ru/index.php> маълумотлари.

тиришни қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда трансфертлар ажратилади. J`son & Partners Consulting таҳлилларига кўра, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ҳажми кейинги йилларда 2000 йилга нисбатан бирмунча камайганига қарамасдан, 2014 йилдан бошлаб яна ўсиш тенденциясига эга бўлди. АҚШ ва Европа Иттифоқида қишлоқ хўжалигига йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми Россиядагига нисбатан 6-8 баробардан кўпдир.

АҚШда қишлоқ хўжалиги ер майдонлари умумий территориясининг 44,32%ини, Германияда 47,91%ини, Хитойда 54,81%ини, Ҳиндистонда 60,64%ини ташкил этгани ҳолда Россияда 13,24%ни ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг қисқариб бориши дунёнинг кўплаб мамлакатларида кузатилмоқда. 2013 йилда 2000 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги ер майдонлари Ҳиндистонда 0,38%га ва Россияда 0,16%га қисқаргани ҳолда, АҚШда 2,16%га қисқарди¹. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 57,1%ни ташкил этади. Аммо суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари мамлакат умумий ҳудудининг 8,3%ини, умумий қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг 14,6%ини ташкил этади. 2016 йилда 1991 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги умумий ер майдонлари 9%га, суғориладиган ер майдонлари эса 3%га қисқарди².

Қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг қисқариб бориши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласини долзарб қилиб қўйди. Шунинг учун АҚШда «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Унга биноан қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг стратегик муҳим тармоғи деб белгиланди. Мазкур қонунда тупроқ эрозиясига қарши курашишнинг аниқ дастури тавсия этилган. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқ қатламини ҳимоялаш технологиялари асосида ишлов бериш кенгайиб бормоқда.

Кейинги вақтларда АҚШда қишлоқ хўжалигида йирик ишлаб чиқаришни ривожланти-

риш ва мустаҳкамлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Оилавий фермер хўжалиklarини субсидиялаш жамиятда ижтимоий барқарорликни сақлаш мақсадида амалга оширилади. Бунинг оқибатида йирик мол фермаларининг ўртача ер майдонлари 200 гектарга яқинни, йирик ўсимчилик фермер хўжалиklarиники эса бир неча минг гектарни ташкил этмоқда. Умумий қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг атиги 8%ини ташкил этувчи йирик хўжалиklари ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 65%и тўғри келмоқда³.

АҚШда қишлоқ хўжалигининг экспортга йўналтирилганлигини жадал ривожлантириш, бунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишни ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини субсидиялаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Экспортга йўналтирилган аграр-озиқ-овқат хавфсизлиги сиёсатининг амалга оширилиши натижасида АҚШ ички ишлаб чиқариш ҳисобига озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қоплаш билан бирга, дунёда уни экспорт қилишда етакчиликни қўлга киритган.

АҚШда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кам таъминланган аҳолини, болалар, пенсионерларни озиқ-овқатлар билан таъминлашга қаратилган ижтимоий дастурлар ҳамда оқилона рационал овқатланиш ва соғлом ҳаёт тарзи дастурлари амалга оширилади. Мамлакатда ҳар йили 35-40 миллиард доллар маблағ аҳолига озиқ-овқат ёрдами дастурларини амалга оширишга йўналтирилади (1-жадвал).

Озиқ-овқат ёрдами дастурлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида катта аҳамият касб этди. 2009 йил март ойида озиқ-овқат талонларидан 33,1 миллион киши фойдаланди. Бу ўша йили февраль ойига нисбатан 600 минг кишига кўпроқдир. Июнь ойи бошларига келиб ҳар тўққизинчи америкалик озиқ-овқат талонлари асосида маҳсулот олишга эришди. Ўртача бир ойда ҳар бир озиқ-овқат талонлари дастури иштирокчисига 114 доллар тўғри келди. АҚШ Конгресси томонидан дастурларни молиялаштириш учун 2009 йилда

¹ Сельское хозяйство (мировой Рынок). / J`son & Partners Consulting // <http://www.tadviser.ru/index.php> маълумотлари.

² Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси маълумотлари; Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. - Т., 2017. -17-6;

³ Ускова Т.В. Продовольственная безопасность региона. // <https://econ.wikireading.ru/4505>

1-жадвал. АҚШда озиқ-овқат дастурлари¹.

Дастур	Тавсифи	Шаклланиш принциплари
Қўшимча озиқ-овқат ёрдами дастури	Барча федерал озиқ-овқат дастурлари умумий бюджетнинг 72%и, 68,3 миллиард доллар йўналтирилади	Озиқ-овқат ёрдами пластик карталари номли дебетларига маблағ йўллаш. Тўловларни автоматик ҳисобга олишнинг ихтисослашган тизими
Текин ва имтиёзли мактаб нонушалари, тушликлари дастури	13,7 миллиард долл., 43 миллион болалар қамраб олинган	Молиялаштириш мактаб нонушта ва тушликларига озиқ-овқатлар хариди учун тўғридан-тўғри пулли субсидиялар бериш орқали амалга оширилади
Ҳомиладор ва 5 ёшгача болалари бор бўлган аёллар учун қўшимча овқатланиш дастурлари	6,7 миллиард доллар, 9 миллион болалар қамраб олинган	Молиялаштириш федерал грантлар шаклида амалга оширилади

54 миллиард, 2010 йилда 60 миллиард доллар маблағ ажратилди².

Канаданинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тажрибаси ҳам диққатга сазовордир. 2016 йилги дунё мамлакатларининг озиқ-овқат хавфсизлиги рейтингига Канада 7-поғонани эгаллаган. 1998 йилда «Канаданинг озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ҳаракатлар режаси» ишлаб чиқилиб, амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур режа озиқ-овқат таъминотининг ўсиши аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили, деган ғояга асосланган. Бу режага мувофиқ ҳукумат идоралари ва жамоат ташкилотларининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида жаҳон ҳамжамиятининг фаолиятида иштирок этишининг аниқ чора-тадбирлари белгиланган³.

Канадада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарблиги шу билан изоҳланадики, унинг аҳолисининг 10%и (3 миллиондан ортиқ киши) паст даражада даромад олади. Шунингдек, ҳар ўнинчи 6 ёшгача боласи бор оилалар етарли даражада озиқ-овқат билан таъминланмаган. Оилалар умумий сонининг 8% га яқини, яъни 800 мингта оила озиқ-овқат хавфсизлиги даражасидан паст даражада яшайди. Аҳолининг 2/3 қисми вазн бўйича муаммоларга эга. Мамлакатнинг туб ерли

аҳолисининг катта қисми узоқ бориш қийин бўлган ҳудудларда яшайди ҳамда соғлом ва қиммат бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларини олиш имкониятига эга эмас⁴. Шунинг учун Канада давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири мамлакатнинг шимолидаги ва Арктика ҳудудларида яшовчи аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни қўллаб-қувватлашдан иборат. 2007 йилда ҳукумат «Канаданинг шимолий стратегияси» номли беш йиллик дастур қабул қилиб амалга оширган. Мазкур дастур асосида узоқ аҳоли пунктларида яшовчи кишиларга озиқ-овқат буюртмалари учун давлат субсидиялари берилган. Мазкур имтиёздан мамлакатнинг Юкон, Шимолий-ғарбий ва Нунавит вилоятлари ҳамда мамлакатнинг шимолий қисмидаги бошқа аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли фойдаланади⁵.

Канадада кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ойига 900 доллардан кам даромад олувчи кишилар солиқлардан озод қилинган⁶. Бу билан уларнинг озиқ-овқат билан таъминланишларига имкон яратилади. Канада халқаро ва гуманитар ёрдамнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Халқаро ёрдам пакети федерал бюд-

⁴ Продовольственная и сельскохозяйственная организация ООН (ФАО): официальный сайт. Режим доступа: <http://www.fao.org> (дата обращения: 28.10.2018).

⁵ Строков С.Н. Механизмы обеспечения внутренней продовольственной безопасности Канады. // Никоновские чтения, 2014, №19. -С.331-332.

⁶ Абзалбек М.С. Мировой опыт обеспечения продовольственной безопасности и его использования в Казахстане. // Московский экономический журнал, 2017, №1. -С.106.

¹ Ускова Т.В. Продовольственная безопасность региона. // <https://econ.wikireading.ru/4505>

² Ўша манба.

³ Строков С.Н. Механизмы обеспечения внутренней продовольственной безопасности Канады. // Никоновские чтения, 2014, №19. -С. 331-332.

жетдан бериладиган ёрдамни режалаштириш ва бошқариш дастаги ҳисобланади. Канаданинг камбағал ва ривожланаётган мамлакатларга бераётган халқаро ёрдами ҳажми ҳозирги даврда йилига 5 миллиард долларни ташкил этмоқда¹.

Европа Иттифоқи мамлакатларининг аграр сиёсатининг бош мақсади ички озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Бу сиёсат ўтган асрнинг ўрталаридан бошланган эди. 1950-йиллардан 1970-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврда Ғарбий Европа мамлакатларида ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига техника ҳарид қилиш, қурилиш ва қайта жиҳозлашга тўғридан-тўғри субсидиялаш амалга оширилган. Бу сиёсат натижасида озиқ-овқат билан тўлиқ таъминланишга эришилди.

Ҳозирги даврда аграр сиёсат хавфсизлик тизимини такомиллаштириш ва келгусида вужудга келиши мумкин бўлган таҳдидларни бартараф этишга йўналтирилгандир. Европа Иттифоқининг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан, унинг етакчиларидан бири бўлган Германияда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, ташқи табиий муҳитни асраш муҳим вазифалар ҳисобланади. Шу боисдан, Германияда қонунчилик доирасида озиқ-овқат ҳуқуқини таъминлашнинг қуйидаги уч мақсади белгиланган:

- кишиларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш (яъни хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишини таъминлаш);
- истеъмолчиларни алдовлардан ҳимоя қилиш;
- жамоатчиликнинг хабардорлигини таъминлаш².

Германияда озиқ-овқат қонунчилиги 200 дан ортиқ қарорлар, қонунларни ўз ичига олади. Уларнинг барчаси юқорида келтирилган мақсадларга эришишга йўналтирилгандир.

¹ Продовольственная и сельскохозяйственная организация ООН (ФАО): официальный сайт. Режим доступа: <http://www.fao.org> (дата обращения: 28.10. 2018).

² Крылатых Э.Н., Мазлова В.З., Межонова Н.В. Национальная экономика: обеспечение продовольственной безопасности в условиях интеграции. Монография. – М.: НИЦ «ИНФРА-М», 2016. – С.52.

Айтиш лозимки, Европа Иттифоқи мамлакатларида экологик соф маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилмоқда. Шунинг учун экологик соф маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эко-корхоналар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан, Германияда 1995-2014 йилларда эко-корхоналар сони 6,6 мингтадан 23 мингтага, уларнинг экин майдонлари ҳажми 310 минг гектардан 1 миллион гектарга ўсди³. Германияда анъанавий ишлаб чиқариш усулидан органик усулга ўтиш даврида эко-корхоналар махсус мукофот (субсидия) оладилар. Бу мукофот миқдори федерал ерлар бўйича фарқланади. Янги ишлаб чиқариш усулига аввалроқ ўтиб, уни кейинчалик ҳам сақлаб қолган ишлаб чиқарувчилар ҳам мукофотландилар.

Европа Иттифоқи мамлакатларида, шу жумладан, Германияда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитни сақлаш бўйича давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шерикликка асосланган ҳамкорлик шакллланган.

Японияда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси жаҳон иқтисодиётида 1974 йилда хом ашё ва энергия ташувчилар нархларининг тез кўтарилиши билан боғлиқ равишда содир бўлган инқироздан кейин долзарб аҳамият касб этди. Мамлакатнинг озиқ-овқат билан ўзини ўзи таъминлаш даражасининг 1960 йилдаги 93%дан 1975 йилда 79%га камайиши ҳамда бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар (ГАТТ)нинг озиқ-овқат бозорларини эркинлаштириш тўғрисидаги талабларининг кучайиши натижасида қабул қилинган «1980-йилларга аграр сиёсатнинг асосий курси» номли ҳужжатга озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси биринчи марта киритилган. Япония ГАТТга 1955 йилда аъзо бўлганидан кейин иқтисодиётини бирмунча эркинлаштирди ва ташқаридан келадиган импорт товарлар учун ички бозорлари очиқлигини аста-секин таъминлади. Аммо мамлакат иқтисодиётининг айрим тармоқларини халқаро рақобат кураш-

³ Терёшкина А.В. Зарубежный опыт обеспечения продовольственной безопасности. // <http://nauka-rastudent.ru/27/3252>

ларидан тариф ва нотариф тўсиқлар ёрдамида ҳимояланганлигини сақлаб қолган¹.

Япония гуруч, мевалар, сабзавот, денгиз маҳсулотлари билан ўзини ўзи етарли даражада таъминлайди. Аммо маккажўхори, дон, дуккакли экинлар маҳсулотлари импортига кучли боғлиқдир. Кейинги йилларда гуруч истеъмоли камайиб, унинг ўрнига импорт товарларини истеъмол қилиш ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Японияга товарларни экспорт қилувчи асосий ҳамкори АҚШ ҳисобланади. АҚШ Японияга катта ҳажмда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилади. Эндиликда импортдаги АҚШнинг етакчилик ролини камайтириш учун бошқа мамлакатлар билан озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича узоқ-муддатли шартномалар тузишга интилоқда.

Мамлакатда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлашга эришиш мақсадида қишлоқ хўжалигида унумдорликни ошириш сиёсати амалга оширилмоқда. Унга кўра озиқ-овқат билан ички ресурслар ҳисобига кафолатли таъминлаш учун фавқулодда вазиятларда гуруч, буғдой, арпа ва бошқа дон маҳсулотлари, картошка ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тез ва етарли даражада ошириб боришни таъминлашга қодир бўлган қишлоқ хўжалиги салоҳиятини (ишчи кучи, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари, ишлов бериладиган ер майдонларини) шакллантириш вазифаси белгиланган. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун экстремал вазиятларда (ҳосил олинмаган, бошқа мамлакатлардан озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилиши тўхтаб қолган ва ҳ.к.), озиқ-овқат захираларини вужудга келтириш, озиқ-овқат билан ўзини ўзи мустақил таъминлаш даражасини ошириш, хўжаликларни мустаҳкамлаш йўли билан маҳсулотлар таннархини пасайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини ўрта ва узоқ муддатли истиқболда Ғарбий Европа мамлакат-

лари даражасигача пасайтириш вазифалари ҳам қўйилган.

«Мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлаш сиёсати» деб номланган ҳукумат ҳужжатида озиқ-овқат хавфсизлигининг қуйидаги асосий мақсадлари белгиланган:

1) маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш, Японияда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали озиқ-овқат билан ўзини ўзи таъминлаш даражасини сақлаб бориш;

2) экспортер мамлакатлар билан икки томонлама шартномалар тузиш, озиқ-овқат етказиб беришнинг барқарорлигини кафолатлаш;

3) кризисли вазиятларнинг олдини олиш учун энг муҳим турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираларини вужудга келтириш;

4) импорт манбаларини диверсификация қилиш учун ривожланаётган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигига бериладиган ёрдамни кенгайтириш².

Умуман, Япониянинг давлат озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги сиёсати импортга йўналтирилган бўлиб, биринчи навбатда озиқ-овқат етказиб берувчилар бозорини кенгайтириш ва асосий импортёрларнинг импортнинг умумий ҳажмидаги улушини камайитиришга йўналтирилгандир.

Хитой Халқ Республикаси Дэн Сяо Пин раҳбарлигида амалга оширган ислохотлар натижасида дунё экин майдонларининг 7%ига эга бўлган ҳолда дунё аҳолисининг 22%ини ташкил этувчи аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаб, бу борада хавфсизликка эришган. Хитойнинг бу тажрибаси кўплаб мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам катта аҳамиятга эга. Хитой 1995 йилдан бошлаб иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда жадал юқори ўсиш суръатларини таъминлашга, қисқа давр ичида дон маҳсулотлари, шу жумладан, буғдой ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи мамлакатга айланиб, аҳоли истеъмолининг юқори даражага кўтарилишига эришган. Маккажўхори етиштириш ҳажмини XX асрнинг охирига келиб 1980 йилга нисбатан 2 мартага

¹ Иванов О. Государственное регулирование импорта в Японии. // Япония сегодня, 2000, №25; Экономическая безопасность: учеб. Пособие для студентов вузов, обучающихся по специальностям экономики и управления. / [В.А. Богомолов и др.]; под ред. В.А.Богомолова. -2-изд., перераб. и доп. - М.: «Юнити-ДАНА», 2009. -С.122-123.

² Экономическая безопасность: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальностям экономики и управления. / [В.А. Богомолов и др.]; под ред. В.А.Богомолова. 2-изд., перераб. и доп. - М.: «Юнити-ДАНА», 2009. -С.123-124.

ошириб, АҚШдан кейин 2-ўринга чиқди. Хитой буғдой етиштириш бўйича дунёда 1-ўринда, ундан кейинги ўринда Европа Иттифоқи мамлакатлари туради. Гуруч етиштириш бўйича ҳам 1-ўринни эгаллаган. Бу борада Ҳиндистон дунёда 2-ўринда туради. Ушбу турдаги маҳсулотлар бўйича мамлакат аҳолисининг ўсиб боровчи истеъмолини қондиришга эришиб, жаҳон бозорларига ҳам катта миқдорда экспорт қилмоқда.

ХХРда озиқ-овқат билан ўзини ўзи юқори даражада таъминлаш сиёсати амалга ошириб келинмоқда. Дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳоли истеъмолини қондириш мақсадида кўп йиллар мобайнида ишлаб чиқарувчилар жаҳон бозорлари нархларидан юқори бўлган ҳарид нархларини қўллаб келган. 1999 йилдан бошлаб эса харид нархлари пасайтирилиб, сифат стандартлари жорий этилган. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишида давлатнинг тартибга солиш роли муҳим аҳамиятга эга бўлди. Дастлаб иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш юқори иқтисодий ўсишни, шунингдек, буғдой, гуруч, маккажўхори, соя ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ва ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадидаги чора-тадбирлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кенг кўламда илғор агротехнологиялар жорий этилди. Бунда ривожланган мамлакатларнинг илмий ютуқларидан ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишларидан самарали фойдаланилди. Мамлакатда аграр фан ва ишлаб чиқаришга илмий техника тараққиёти ютуқларини жорий этишни давлат томонидан молиялаштириш ўсиб борди¹.

Хитойда иқтисодиётни ривожлантириш билан бир қаторда таълим ва соғлиқни сақлашга айниқса қолоқ қишлоқ туманларида жуда катта миқдорда маблағлар сарфланди. Бунинг натижасида билим даражаси ошган, соғлиғи мустаҳкамлашган қишлоқ аҳолиси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта ютуқларга эришди. Шунингдек, дон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда таклиф ва талабни

мувозанатга келтириш мақсадидан келиб чиқиб, Шарқий денгиз бўйи ҳудудлари, йирик ва ўрта шаҳарлар атрофидаги туманларда юқори қўшилган қийматли техник экинлар ва экспортга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш; мамлакатнинг марказий қисмидаги ҳудудларда юқори сифатли озиқ-овқат ва озуқабоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга устуворлик бериш; ғарбий ҳудудларда аввал ҳайдаладиган ерлар ва яйловларда ўрмонларни тиклаш вазифаларини амалга оширишга киришдилар.

Мамлакатда дон экинлари экиладиган ерларнинг асосий қисми, шу жумладан, буғдой экин майдонларининг 70%и суғориладиган ерларни ташкил этар эди. Кейинги йилларда ерларни суғориш, кимёвий ишлов бериш харажатларининг ошиб кетиши натижасида озиқ-овқат маҳсулотларининг таннархи ҳам тез ўсди. Маҳсулотлар таннархи йилига ўртача 10%дан ошиб борди. Суғориладиган экин майдонларининг ошиб бориши, иқлим ўзгаришлари ва айрим ҳудудларда қурғоқчиликларнинг содир бўлиши суғориш муаммосини келтириб чиқарди. Шунинг учун 1999 йилдан бошлаб мамлакатда, шу жумладан, қурғоқчилик юз берган ҳудудларда сувни тежаш бўйича махсус дастурлар амалга оширилмоқда.

Хозирги даврда Хитой хориждан 7% атрофида озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилади. Агар, бу кўрсаткични бошқа мамлакатлар билан таққосласак, 2015 йилда АҚШ ва Ҳиндистонда у 6% ни ташкил этган. China Daily маълумотларига кўра, биргина 2014 йилда Хитой 122 миллиард долларлик озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини импорт қилган. Соҳа мутахассисларининг прогнозларига кўра, 2020 йилга келиб, Хитой ўз импортининг ўсиш суръатларини йилига 7-8%да сақлаган ҳолда, дунёнинг энг йирик озиқ-овқат маҳсулотлари импортёрига айланишни мўлжалламоқда. Ундан ташқари, Хитой бугун дон маҳсулотларининг йирик истеъмоли

¹ Ускова Т.В. Продовольственная безопасность региона. // <https://econ.wikireading.ru/4505>

ҳамдир. 2020-йилларга келиб, Хитойни дон маҳсулотлари истеъмолига бўлган эҳтиёжи 700 миллион тоннага етади ва ундан 100 миллион тоннаси импорт қилиниши мўлжалланмоқда¹.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кўпайтириш ва ўсиш суръатларини жадаллаштириш, юксак ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишда хорижий мамлакатларнинг қуйидаги тажрибаларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир:

– АҚШнинг қишлоқ хўжалиги йирик ишлаб чиқаришни, оилавий фермер хўжалиklarини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун субсидиялаш тажрибасидан мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги кластерлари, агросаноат корпорацияларини ташкил этиш, кўп тармоқли фермер хўжалиklари, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни жорий қилиш лозим;

– АҚШда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кам таъминланган аҳоли, болалар, пенсионерларни озиқ-овқатлар билан таъминлашга қаратилган ижтимоий дастурлар ҳамда оқилона рационал овқатланиш ва соғлом ҳаёт тарзи дастурлари тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам шунга ўхшаш кам таъминланган аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича ижтимоий дастурлар тузиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, XX асрнинг 90-йилларининг бошларида амалда бўлган янги туғилган чақалоқларни 3 ёшга етгунларига қадар сут маҳсулотлари билан бепул таъминлаш тадбирларини тиклаш мақсадга мувофиқдир;

– Канаданинг мамлакатнинг шимолида ва Арктика ҳудудларида яшовчи аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни қўллаб-қувватлаш борасидаги тажрибасини республикамизнинг узоқ, бориш қийин бўлган ҳудудларидаги аҳо-

лини озиқ-овқат билан барқарор таъминлашда қўллаш мумкин;

– Германияда анъанавий ишлаб чиқариш усулидан органик усулга ўтиш даврида эко-корхоналарга махсус мукофот (субсидия) бериш тажрибасини Ўзбекистонда жорий этиш, эко-корхоналар ташкил этиш лозим;

– Европа Иттифоқи мамлакатларида, шу жумладан, Германияда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмоличилар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитни сақлаш бўйича давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шерикликка асосланган ҳамкорлик бўйича тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги, Сув хўжалиги, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда сиёсий партия ва ижтимоий ҳаракатлар ва бошқа манфаатдор нодавлат ноижорат жамоат ташкилотлари ўртасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш дастурларини тузиш ва амалга оширишда ижтимоий шерикликка асосланган ҳамкорликни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир;

– Япониянинг «Мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлаш сиёсати» деб номланган ҳукумат ҳужжати, АҚШнинг «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни ва уларни амалга ошириш тажрибасидан Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунини ишлаб чиқишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

– Хитой Халқ Республикасининг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларини ўстиришни рағбатлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларига сифат стандартларини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги асосий тур экинларини минтақалар бўйича жойлаштириш, қишлоқ аҳолисининг умумий ва ихтисослик бўйича билимларини ошириш тажрибасидан фойдаланиш, шу жумладан, қишлоқ туманларида фермер ва деҳқон хўжалиklари раҳбар ва ходимлари, томорқа ер эгалари учун қишлоқ хўжалиги мутахассисликлари, агрономия фанларининг асослари бўйича ўқув курслари ташкил этиш лозим бўлади.

¹ Садибекова Б.Д. Хорижий мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги сиёсатининг хусусиятлари (Хитой Халқ Республикаси мисолида). // «Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари» Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар ва маърузалар тўплами. (2016 йил 15 декабрь) – Т.: ТДИУ, 2016. -24-25-бе.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь.
2. Абзалбек М.С. Мировой опыт обеспечения продовольственной безопасности и его использование в Казахстане. // Московский экономический журнал, 2017, №1.
3. Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йўналишлари. Монография. - Т.: « Fan va texnologiya», 2017.
4. Крылатых Э.Н., Мазлова В.З., Межонова Н.В. Национальная экономика: обеспечение продовольственной безопасности в условиях интеграции. Монография. - М.: НИЦ «ИНФРА-М», 2016.
5. Продовольственная и сельскохозяйственная организация ООН (ФАО): официальный сайт. – Режим доступа: <http://www.fao.org> (дата обращения: 28.10. 2018).
6. Строков С.Н. Механизмы обеспечения внутренней продовольственной безопасности Канады. // Никоновские чтения, 2014, №19. -С.331-332.
7. Терёшкина А.В. Зарубежный опыт обеспечения продовольственной безопасности. - Режим доступа. <http:// nauka-rastudent.ru/ 27/3252>
8. Ускова Т.В. Продовольственная безопасность региона. // <https://econ.wikireading.ru/4505>
9. Экономическая безопасность: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальностям экономики и управления. / [В.А. Богомолов и др.]; под ред. В.А.Богомолова, 2-изд., перераб. и доп. - М.: «Юнити-ДАНА», 2009.
10. Сельское хозяйство (мировой Рынок). / J`son & Partners Consulting // <http://www.tadviser.ru/index.php>.
11. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси маълумотлари; Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. - Т., 2017.